
“Ҳоким кубоги” баҳсларига старт берилди

Риштон туманида туризм ва спорт бўлими, БЎСМ ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамкорлигида спортнинг шахмат тури бўйича 7-70 ёшгача бўлган ўсмир ва фахрийлар ўртасида “Ҳоким кубоги” мусобақасига старт берилди. Мусобақанинг дастлабки кунда гуруҳ учрашувлари ўтказилиб, ғолиблар кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишди. Очиқ осмон остида бўлиб ўтаётган мусобақада 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган шахмат ихлосмандлари ўзаро мусобақалашмоқда. Бу каби тадбирлар туман аҳолиси орасида ақл-идрок спорти – шахматнинг янада оммалашшига хизмат қилади. Мусобақа 28 август кунига қадар давом этади.

2021-08-27 06:25:20